

Мадинада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг исми ҳам унинг биринчи оятдан олинган. «Залзала» «зилзила» деганидир. Бу ерда киёмат коим бўлгандаги улкан зилзила хакида сўз кетади. Бу сураи карима киёмат кундаги баъзи воқеалар васфи билан бошланади. Сўнг одамларнинг кайта тирилиши ва хисоб-китоб хакида сўз кетади. Имом Термизий ривоят қилган хадисда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам: «Иза зулзилат» сураи Куръоннинг ярмига тенг келади», деганлар.

БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИЙМ

1. Вактики, ер ўзига хос зилзилага тушса.

Яъни ер ўз хажми, ўлчовига яраша катта зилзилага тушса. Киёмат коим бўлганда, ер бутунлайича каттик зилзилага тушади. Хозиргига ўхшаб унинг баъзи бир нуктаси сал-пал силкиниб қўймайди. Балки ер ўзининг бутун вужуди билан, ҳеч бир нуктаси ҳам қолмай ниҳоятда шиддатли зилзилага тушади. Ана ўша ернинг ўзига хос зилзилага тушгани бўлади. Ана ўша зилзила оқибатида...

2. Ва ер ўз юкларини отиб чиқарса.

Киёмат кунда мазкур шомил ва шиддатли зилзила оқибатида ер ўз ичидаги барча нарсаларни: маъданлар, хазиналар, ўликлар ва бошқа нарсаларни ташқарига чиқариб ташлайди. Бу ҳолатни кўрса...

3. Ва инсон, Унга нима бўлди?! деса.

Яъни ернинг ўзига хос шомил ва шиддатли зилзилага тушганини, ўз ичидаги нарсаларни ташқарига отиб чиқарганини кўриб, инсон: «Ерга нима бўлди ўзи, бундок қияпти?» деган вақтида...

4. Ўша кунда у (ер) ўз хабарини айтадир.

Яъни ўша шиддатли ва ўта кўркинчли киёмат кунда ер ўз устида қилинган, яхшилик ва ёмонликлар ҳаммасининг хабарини айтиб беради. Ўша кунда ер ҳар бир инсоннинг ўз устида нима ишлар қилгани хакида батафсил хабар беради.

Имом Термизий Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган хадиси шарифда қуйидагилар айтилади: «Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам «Ўша кунда у ўз хабарини айтади»,—оятини кироат қилдилар ва:

«Унинг хабарини нималигини билмайсизларми?» дедилар.

«Аллох ва Унинг Расули билувчирок», дейишди.

«Албатта, унинг хабари ҳар бир банд ва чўрига ўз устида нима қилгани хакида гувоҳлик

беришидир. У, фалон куни фалон, фалон ишни килди, деб айтадир. Бас, ана шулар унинг хабарларидир», дедилар у Зот.

Имом Табароний ривоят килган хадисда эса: «Ердан хушёр бўлинглар. Зотан, у онангиздир. Албатта, унинг устида кайси бир яхши ёки ёмон амал килувчи бўлса, у, албатта, анинг хабарини берувчидир», дейилган.

Ернинг бундок килиши

5. Сенинг Роббинг унга вахий юборгани учундир.

Яъни ернинг изтиробга тушгани, ичидаги нарсаларни отиб чиқаргани ва ўз устида хар бир инсоннинг килган барча ишлари хақида хабар бериши Аллох таоло унга амр килгани учун бўлади. Ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

6. Ўша кунда одамлар амалларини кўриш учун жойларидан гурух-гурух бўлиб кўзгалурлар.

Яъни киёмат куни одамлар гурух-гурух бўлиб – мўминлар алохида, кофирлар алохида жойларидан кўзгаладилар. Кейин бу дунёда килган ишларига яраша мукофот ёки жазо оладилар.

7. Бас, ким зарра огирлигида яхшилик килса хам, кўрадир.

8. Ва ким зарра огирлигида ёмонлик килса хам, кўрадир.

Яхшиликнинг хам, ёмонликнинг хам катта-кичиги бўлмайди. Хаммасининг хисоб-китоби бўлади, киёматда жавоб бериш керак.

Имом Ахмад ибн Ханбал ривоят киладиларки. Саъсаъа ибн Муовия исмли одам Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам хузурларига келганда, Ул хазратлари унга «Фаман яъмал мискола зарратин хойрон ярох, ва ман яъмал мискола зарратин шарран ярох»ни ўкиб берганларида, у бундан бошқа нарсани эшитмасам хам, менга шунинг ўзи етарли», – деган экан.

Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам: «Бир хурмонинг ярми ёки бир огиз ширин сўз билан бўлса хам, ўзларингизни дўзахдан сакланглар», деганлар. Яъни яхшиликнинг кичиги бўлмайди деганлар.

Бошқа бир хадисда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам: «Кўзга илинмайдиган гунохлардан сакланинглар, чунки улар тўпланиб кишини халок килади», деганлар.

Хар доим агар кўзга кўринмас зарра микдорида бўлса хам, яхшиликни килиб, шунингдек, агар кўзга кўринмас зарра микдорида бўлса хам, ёмонликдан кочиш керак.